



# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 215 (10.018)

2003 ЙИЛ 5 НОЯБРЬ

## ПОЙТАХТНИНГ Бир кунни Янгиликлар, воқеалар

### ҚИСҚА сатрларда

● **КЕЧА** Тошкент шаҳар ҳокимлигида гиёванд моддалар устидан назорат қилиш бўйича Тошкент шаҳар комиссиясининг 2003 йилнинг 9 ойлик яқунларига бағишланган ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтди.

● **БУГУН** Тошкент шаҳар ҳокимлигида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир шаҳар семинар-йиғилиши бўлиб ўтди.

● **БУГУН** Миробод туманидаги 110-мактабда ўқитувчилар иштирокида ташкил этилган йиғилиш Вазирлар Маҳкамасининг «Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хуна таълимига изчил ўтишни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг ижроси муҳокамага бағишланди.

● **БУГУН** Мирзо Улуғбек туманида миллий маданият марказлари ўртасида «Ўзбекистон — умумий уйимиз» шиори остида ўтказилган фестивал туман хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан уюштирилди.

● **БУГУНДАН** «Биозкосан» республика ёшларининг ўқув-услубий мажмуаси ташаббуси билан «Болалар ва сув» мавзусида уч кунлик фестивал ўз иштини бошлади.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

Шаҳримиздаги «Муҳаммадали савдо» хусусий фирмаси тадбиркорлари ички бозорни сифатли товарлар билан таъминлаш йўлида ғайрат кўрсатишмоқда.

**СУРАТДА:** тайёр маҳсулотларни ўраш цехи илғори Гулжаҳон Абдуллаева ўз вазифасини сидқидилдан адо этмоқда.

Ҳакимжон Солиҳов олган сурат.



## АҚШ СИЁСАТЧИСИНИНГ УЧРАШУВЛАРИ

Юртимизда меҳмон бўлиб турган АҚШнинг Стратегик ва халқаро тадқиқотлар маркази консултанти, АҚШ Президентининг миллий хавфсизлик масалалари бўйича собиқ маслаҳатчиси Збигнев Бжезинский 4 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуриндаги Давлат ва жамият қурилиши академияси профессор-ўқитувчилари ва тингловчилари билан учрашди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, мазкур академия ректори А.Азизхўжаев Збигнев Бжезинский фаолияти, унинг жаҳон сиёсатшунослик фани олдидаги хизматлари тўғрисида сўзлади.

З.Бжезинский ўз сўзида Ўзбекистоннинг ўзига хос мамлакат эканлигини таъкидлади. У мамлакатимизнинг минтақада тинчлик, барқарорлик ва хавфсизликни сақлашдаги ҳиссасига юксак баҳо берди.

Шу куни меҳмон Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуриндаги Стратегик ва халқаро тадқиқотлар маркази консултанти, АҚШ Президентининг миллий хавфсизлик масалалари бўйича собиқ маслаҳатчиси Збигнев Бжезинский 4 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуриндаги Давлат ва жамият қурилиши академияси профессор-ўқитувчилари ва тингловчилари билан учрашди.

теги ва минтақаларо тадқиқотлар институтига ҳам ташриф буюрди. Учрашувда З.Бжезинскийнинг мамлакатимизга мазкур ташрифи илмий тадқиқотлар соҳасида Ўзбекистон-АҚШ алоқаларини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

Америкалик таниқли сиёсатшунос икки мамлакат ўртасидаги муносабатларнинг бугуни ва истиқболга оид долзарб масалалар, турли минтақалардаги сиёсий вазиятлар ҳақида сўзлади, институт ходимларини қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

## ИШОНЧ ЁРЛИКЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикасининг Буюк Британия ва Шимолий Ирландиядаги Фавкуллода ва Мухтор элчиси Т.Рисқиев Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Қироличаси Елизавета II Зоти Олияларига ишонч ёрликларини топширди.

Ишонч ёрликларини топшириш маросимидан сўнг бўлиб ўтган мулоқот чоғида Зоти Олиялари Ўзбекистон ва Буюк Британия ўртасидаги муносабатларга қизиқиш билдирди, таълим, маданият, илм-фан ва тиббиёт соҳаларидаги икки томонлама ҳамкорликни ижобий баҳолади.

«Жаҳон» АА

## ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Ўзбекистон мудофаасига қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти марказий кенгашининг раёсат йиғилиши бўлиб ўтди.

Марказий кенгаш раиси А.Абдуқаҳоров бошқарган йиғилишда мамлакатимиз Президенти Ислам Каримовнинг иккинчи чакирқўзи Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясидаги маърузасида илгари сурилган вазифаларни кенг ёритиш бўйича ташкилий-маърифий тадбирлар дастури ижросини таъминлаш юзасидан ташкилотнинг тўққиз ойлик иш яқунлари муҳокама қилинди.

Йиғилишда Қуроли Кучлар учун ҳарбий-техник мутахассислар

ОБДУНА — 2004



## «ОҚШОМ» БИЛАН БИРГА БЎЛИНГ!

Қадрли газетхонлар! Айни кунларда сиз ҳаммиз севиб мутлола қиладиган «Тошкент оқшоми» газетасига 2004 йил учун обуна қизгин давом этмоқда. Бинобарин, у сизга ҳар доим энг ақин суҳбатдош, дўст, ҳамкор ва ҳамроҳ бўлиб келган. Буни шу кунларда тахриридаги келаятган дил номаларидан ҳам билиш мумкин, Газетага бўлган юксак меҳрингиз, садоқатингиз учун сизларга катта ташаккуримизни билдирган ҳолда шу кунларда пойтахтимизнинг барча алоқа бўлимларидан газетата обуна расмийлаштирилаётганини яна бир қарра эслатиб ўтишни лозим деб топдик.

«Тошкент оқшоми» келгуси йилда ҳам мамлакатимизда, унинг азим пойтахтида ва жаҳонда рўй бераётган воқеа-ҳодисалар, янгиликларни тезкорлик билан ёритади, сиз севиб ўқийдиган ранг-баранг мавзудаги мақолалар газета саҳифаларидан мунтазам ўрин олади, деб ишонтирамыз. Шундай экан, вақтни ганимат билан сеvimли нашрингизга обуна бўлишга шошиллинг. Шундагина сизнинг нурли хонадонингизга 2004 йилнинг дастлабки кунидан бошлаб «Оқшом»нинг ўзи ташриф буюради.

етиштириш ҳамда қақирилувчи ёшларни армия сафига тайёрлаш сифатини янада ошириш, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг Ватан ҳимояси ҳақидаги гоёларини кенг тарғиб қилиш, ўсимирларни маънавий-ахлоқий ва ҳарбий-техник жиҳатдан етуқ, жисмонан бақувват ҳимоячи этиб тайёрлаш масалаларига асосий эътибор қаратилиб, келгусидаги вазифалар белгилаб олинди.

(ЎЗА)

## ХУИ саҳоси

Барча маълумотлардан олинган сўнгги хабарлар

### Мамлакатимизда

● Тошкент шаҳрида АҚШнинг мамлакатимиздаги элчихонаси ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан ҳамкорликда ташкил этилган Марказий Осиё ҳудудий конференцияси ўз иштини бошлади. Унда Марказий Осиё мамлакатларида жинсий одил судлов тизимини ислоҳ қилишнинг энг долзарб масалалари муҳокама этилмоқда.

● «Ўзбектелеком» акционерлик компанияси ҳамда Украинанин «Укртелеком» очиқ акциядорлик компаниялари ўртасида ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди.

● Ўзбекистон Бадий академияси Кўргазмалар залида Ҳиндистон элчихонаси қошидаги Маданият маркази билан ҳамкорликда Ҳиндистоннинг кўҳна тасвирий санъати — «Мадхубани» кўргазмаси очилди.

● Тошкентдаги Марказий Офицерлар уйида республика мудофаа вазирлиги ходимлари ҳамда журналистлар иштирокида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонунининг моҳиятини кенг оммага етказиш борасида таклифлар билдирилди.

● Кеча Сурхондарё вилоятининг Термиз ва Кумқўрган туманлари давлатга пахта сотиш бўйича йиллик шартнома режасини бажардилар.

● Фориш туманининг тоғлик қишлоғи — Деристонда янги шиёо маскани қуриб фойдаланишга топширилди.

### Жаҳонда

● Кеча Озарбайжон парламенти Артур Расизодани мамлакат Бош вазири лавозимига тасдиқлади.

● Атом энергияси бўйича халқаро агентлик — МАГАТЭ мутахассислари Эронда текширув ва тадқиқот ишларини давом эттирмоқдалар. Ташкилот раҳбари Муҳаммад ал-Бародийнинг айтишича, текширувлар кўнгилдагидек ўтмоқда.

● Америка Қўшма Штатлари давлат котиби ўринбосари Ричард Арантаннинг билдиришича, АҚШ Непалдаги Маочилар партиясини дунё террорчи ташкилотларининг қора рўйхатига киритди.

● Ироқда АҚШ ҳарбий қўмондонлигига қарашли вертолёт ҳалокатга учради. Натижада 13 нафар Америка ҳарбийси ҳалок бўлди, 20 га яқини жароҳатланди.

● Индонезиянинг Суматра оролида жойлашган машҳур дам олиш масканларидан бирида юз берган сув тошқини оқибатида 66 киши ҳаётдан кўз юмди.

**Ихтисодий**

**РАҚОБАТБАРДОШ ВА СИФАТЛИ**

**Раҳбарнинг тадбиркорлиги ва ишбилармонлиги корхона ривожига, маҳсулот рақобатбардошлиги ва сифатида муҳим ўрин тутди.**

Буни пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган «TALVANA» хусусий фирмаси мисолида кўриш мумкин. Корхонага изланувчан ва билимли тадбиркор Ҳамза Хушваков раҳбарлик қилади. Шу боис бу ерда тиклаётган хорижликдан асло қўлшмайдиغان эркаклар костюм-шими ички бозорда ўз харидорини топмоқда.

— Асосий мақсадимиз четдан келтириладиган кийим-кечаклар ўрнини босувчи маҳсулотларни ўз саъй-ҳаракатларимиз билан хусусий фирмамизда тайёрлашди, — дейди Ҳамза Хушваков. — Бунинг учун замонавий технология билан ҳисоблашмоқда Туркия ва Тайпейдан келтирилган сифатли матола асосида модельерларимиз ўз маҳоратларини намойиш этишмоқда. Шунингдек, келгусида ишлаб чиқаришни янада ривожлантириб, янги моделдаги эркаклар кийим-кечаклари тайёрлашни мақсад қилиб қўйганмиз. Қўшимча ишчи ўринлари яратишга, малакали мутахассисларни тайёрлашга ҳам эътибор қаратамиз.

Шуниси қувонарлики, корхона тадбиркорлари четга чиқишга ҳам интилишмоқда. Қўшни Қозғистон ва Қирғизистон давлатларида фирманing савдо уйлари ташкил этилганига бунга яққол мисолдир. Ушбу савдо уйларида йилга 200 миллион сўмлик маҳсулот сотиш режаланяпти.

**МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШГА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА**

**Ҳисоблаш ускуналарининг тежамкорлиқда нафи катталикни бугунги тажриба яққол исботламоқда. Шу боисдан ҳам пойтахтимиз хонадонларига сув ва газ ўлчакчиларининг ўрнатилиши билан биргаликда, ана шундай анжомларни тайёрлашга ҳам эътибор қаратилмоқда.**

Бу борада «СМГ Онис» Ўзбекистон—Италия корхонасида ҳам изланишлар давом этмоқда. Шуниси муҳимики, бюротма асосида тайёрланаётган ушбу маҳсулот — газ ҳисоблагичларнинг сифатига эътибор қаратиш билан биргаликда, унинг қўллаб бўлувчи қисмларини ҳам ўзимизда ишлаб чиқаришга ҳаракат қилинмоқда. Илгари барча бутловчи қисмлар четдан келтирилган бўлса, бугунги кунга келиб уларнинг 50 фоиздан зиёдини шу ерда тайёрлашга эришилмоқда.

**Қурилиш**

**ЯНГИ САВДО МАРКАЗИ**

**Пойтахтимизда нафақат мухташам иншоотлар, замонавий турар жой бинолари, шу билан биргаликда супермаркет, савдо уйлари, маиший хизмат шохобчалари ҳам бирин-кетин қад ростламоқда.**

Шаҳримизнинг Шевченко кўчасида бунёд этилаётган автомобиль савдо уйи қурилиши ҳам жадал олиб берилмоқда. 2000 квадрат метрни эгаллаган 4 қаватли ушбу иншоотни «Габускурилиш-5» шўъба корхонаси қурувчилари тиклашмоқда. Айна кўчаларда ушбу бинода 20 нафардан зиёд бунёдкор меҳнат қилиб, савдо уйини жорий йил охиригача қуриб битказиш йўлида ғайрат кўрсатишмоқда.

Дилноза ҒИСОВА

30 йил аввал Тошкент Давлат тиббиёт институти жарроҳлик шифохонаси базасида бошланган йўл маълум маънода Ўзбекистон жарроҳлиги ривожланиш тарихи ҳисобланади. Республика пойтахтида бундай йўналишдаги илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш ташаббуси академик Восит Воҳидов - буюк жарроҳ, олим, соғлиқни сақлаш ташкилотчишга тегишли.

Айнан шу ерда унинг тиббиётда юқори самарали натижаларга эришиш ва янги технологияларни ишлаб чиқиш учун комплекс тадқиқот фаолиятини олиб бориш зарурлиги ҳақидаги ғояси амалга ошди. У кўп бор вақт синовдан ўтди ва юқори баҳоланди. Президент Ислол Каримовнинг Фармонига кўра, жорий йил 25 августда марҳум В.Воҳидовнинг «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирланиши олим хизматларининг наватбадаги эътирофи бўлди.

Ўзбекистон раҳбариятининг ижтимоий йўналтирилган сиёсатида аҳоли саломатлигини сақлашни ташкил этиш, ташхис ва даволашнинг энг илгор услубларига асосланган юқори малакали тиббий ёрдам умумреспублика тизимини яратиш катта ўрин тутди. Мақсадли давлат дастури амалга оширилмоқда. Мамлакатимиз Президентининг 2003 йил 26 февралдаги «Соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони мазкур соҳа ривожланишига катта туртки бўлди. Унга мувофиқ мамлакатимизда йирик шифоналар базасида ихтисослаштирилган тиббий марказлар ташкил этила бошланди.

Бугунги кунда В.Воҳидов номидаги Жарроҳлик илмий маркази жарроҳликнинг бир қатор йўналишлари бўйича нафақат республикамиз ва Марказий Осиё минтақасида, балки МДХ мамлакатлари орасида биринчиликни эгаллаб келмоқда. Бу ерда ўз ишланмалари асосида ноёб операцияларни бажаришди. Биринчи наватбада, улар ҳаётий муҳим аъзоларни тикловчи жарроҳликка алоқадор. Очик юракда операцияларни амалга ошириш билан бирга ишлаб турган, сунъий қон айлантириш тизимига уланмаган юракда ҳам операциялар, масалан аортоторонар шунтлаш амалга оширилмоқда. Бундан эг замонавий тиббий технологияларни қўллаш талаб этилади, жарроҳлик аралашувининг самарадорлиги анча ошади.

Ҳисоб-китобларга кўра, бугун бундай операцияларга талаб жуда катта бўлиб, йилга 20-25 мингтага етади. Уларни бажариш бўйича асосий оғирлик В.Воҳидов номидаги марказга тушади. Шу сабабли мутахассислар бу ерда қўшимча равишда Кардиожарроҳлик марказини очилиши мақсадга мувофиқ, деб ҳисобламоқда.

Албатта, бундай операциялар қимматга тушади - ўртача беш миллион сўм. Бунда қийматнинг асосий қисмини бевосита юқори малакали тиббий хизматларга ҳақ тўлаш эмас, асосан бир марта ишлатиладиган ноёб ускуналар ва қурилмаларга кетган харажатлар ташкил эта-

нинг қатор ривожланган мамлакатларида бор. Ўзимизда ҳам бу каби қурилмани яратилиши жарроҳларимизга жуда аниқлик талаб қиладиган операцияларни ўтказиш имконини беради. Лазернинг тажриба намунаси муваффақиятли синовдан ўтказилмоқда.

Жигар циррози ва унинг оқибатлари жарроҳлик йўли билан даволанадиган Марказий Осиёда ягона шифохона ҳам В.Воҳидов номидаги республика марказидир. Бу ерда ишлаб чиқилган унинг янги услубиятлари бугунги кунда жаҳонда машҳур бўлиб кетди. Уларни ўрганиши бир неча халқаро илмий-амалий конференциялар мавзуси бўлди. Тикловчи ва пластик соҳада ўз технологиялари яратилди. Улар микроскоп остида кўзга кўринмас энг кичик томиларни тикиш имконини беради. Рентгенжарроҳлик услублари, томиларни эндопротезлашнинг жаҳон тажрибасида устувор ҳисобланган ўзига хос услублари ишлаб чиқилди ва кенг қўлланилмоқда. Бу ерда таъна фаолиятини тўлиқ тиклайдиган ўта аниқ техника ёрдамида оёқ-қўлларни тикишди, тўқималар ва аъзоларни алмаштиришди.

Тадқиқот фаолияти натижаларига кўра 9 мингдан ортққ илмий иш нуфузли ихтисослашган журналларда ва алоҳида китоб шаклида чоп этилди. Марказ базасида жарроҳликнинг муҳим йўналишлари бўйича қўллаб мамлакатлар мутахассислари иштирокатида 80 дан ортққ конференция ташкил этилди. Халқаро алоқалар жадал ривожланмоқда. Сунгги вақтда марказнинг 50 га яқин мутахассиси АҚШ, Япония, Буюк Британия, Германия, Франция, Туркия, Малайзия, Россия, Украинанинг етакчи тиббий марказларида малака ошириб келди. Худудларда кадрларни тайёрлашга ҳам катта эътибор берилмоқда. Вилот шифохоналарининг 300 дан ортққ шифокори бу ерда ординатура ва аспирантура ни ўташди.

Хар йили ўтказиладиган «Воҳидов ўқишлари» йиллар давомида тўпланган ноёб тажрибани ёйиш ва илгор тиббий технологияларни кенг қўллашга хизмат қилмоқда. Ушбу тадбирда республикамиз ва хориждан юзлаб амалиётчи шифокорлар тўпланиб, дунё тиббиётидаги сунгги ютуқларни муҳокама этишди. Кўтарилган масалалар аҳамияти бўйича бундай анжуманлар МДХда бошқа ўтказилмайди. Бу йил «Воҳидов ўқишлари» Андижонда бўлиб ўтди. Ўзбекистон, Россия, Украина, Қозғистондан 500 дан ортққ етакчи жарроҳ иштирок этган республика илмий-амалий конференциясида жарроҳлик амалиётидаги турли мураккаб вазиятлар ва уларни бартараф этишнинг янги услублари муҳокама этилди.

А. ИВАНОВА,  
ЎЗА мухбири

**• ФАРМОН ВА ИЖРО**

**ЮҚОРИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР - ЗАМОНАВИЙ ТИББИЁТ АСОСИ**

**Замонавий жарроҳлик фундаментал ва амалий билим соҳаларидаги муҳим ютуқларни доимий равишда ўзлаштириб, уларни соғлиқни муҳофаза қилишга йўналтиради. У жадал ривожланиб, нафақат ўз имкониятларини кенгайтиради, балки тиббиётнинг бошқа йўналишларига қучли рағбатлантирувчи таъсир ўтказида. В.Воҳидов номидаги Жарроҳлик илмий маркази фаолияти бунинг яққол далилидир.**

ди. Дарвоқе, чет элда бундай операциялар бир неча баробар қиммат туради. Хар ким ҳам бунча пулни тўлай олмаслигини ҳисобга олиб, Президент Фармонига кўра Марказда бепул хизмат кўрсатиладиган аҳолининг 9 тоифаси белгилаб қўйилди. Улар орасида - ногиронлар, ишламайдиган нафақахўрлар, кам таъминланганлар, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари. Бундан ташқари Молия вазирлиги билан биргаликда даволашга муҳтож қолган беморлар учун ҳам имтиёзли тарифлар ишлаб чиқилди. Улар қанча тушишига қараб операция ҳақиқий қийматининг 8 фоиздан 40 фоизгачасини тўлайди. Яъни, харажатларнинг асосий қисмини давлат ўз бўйига олади.

Марказда жарроҳлик ёрдамнинг бошқа йўналишлари бўйича ҳам илгор халқаро меъёрларга жавоб берадиган ташхис ва даволаш стандартлари ишлаб чиқилган. Бўлимлар ҳам хориждан келтирилган, ҳам ўз мутахассислари томонидан яратилган замонавий ускуналар билан жиҳозланган. Масалан, қорин бўшлиғи операциялари эндиликда асосан лапароскоп ва эндовизуал ускуналар ёрдамида амалга оширилмоқда. Уларнинг афзаллиги - жароҳатланиш камлигида, шу сабабли бемор илгари жуда жиддий деб ҳисобланган операциядан 2-3 кун ўтқач уйига кета олади.

Бу ерда дунёдаги энг йирик ва МДХ мамлакатларида ягона бўлган баромарказ фаолият кўрсатмоқда, унда кислород этишмаслиғи билан касалланган беморларни даволашди. Компьютер томография, «гамма-камера» ва сунгги авлод ультратовуш тизимлари қўлланилмоқда. Улар турли касалликлар ривожланишига ўз вақтида ташхис қўйиш имконини беради.

Марказ олимларининг кўп йиллик тадқиқотлари янги йўналиш - лазер жарроҳлигига асос бўлди. Ихтисослашган бўлим ходимлари физиклар билан бирга лазер нуриланганининг ноёб манбаларини ва дунёда ўқшаши йўқ жарроҳлик асбобларини яратишди. Хозир улар қорин лазернинг янги турини яратиш устида ишламоқда. Бундай қурилма дунё-

**ТРАКТОРСОЗЛАРИМИЗГА ХАЛҚАРО МУКОФОТ**

**«ТТЗ-80-10» русумли универсал ҳайдов трактори республикамизда чиқарилаётган қишлоқ ҳўжаллиги агрегатларидан энг яхшиларидан бири деб топилди. Мазкур агрегат ўта ишончилиги ва қулайлиги билан мутахассислар эътиборини ўзига тортиди.**

«Тошкент трактор заводи» давлат ҳиссасдорлик жамиятида тайёрланган мажмуур трактори халқаро доирада ҳам ижобий баҳоланди. Унинг нуфузи ортиб, жаҳон бозоридида харидоригр бўлиб қолди.

— Биз ушбу истиқболли агрегатимиз билан фахрланамиз, — деди корхона савдо уйи раҳбари Олег Меркулов «Туркис-тон-пресс» мухбирига. — Ростов-Дон шаҳрида ўтказилган халқаро кўргазмада ҳам янги трактор соворинли ўрин билан тақдирланди.

Россия Федерацияси қишлоқ ҳўжаллиги вазирлиги ҳамда Фанлар академияси томонидан

уоштирилган бу экспозиция таъсис этган «Юқори ишончилиги ва қулайлиги учун» мукофотига сазовор бўлган маҳсулотимиз кумуш медал ва имтиёзли дипломини қўлга киритди. Мазкур эътироф тракторсозларимизга халқаро бозорга маҳсулот юбориш ва кўргазмаларда қатнашиш ҳуқуқини беради.

Турли русумдаги қатор агрегатларимиз ўз мустахкам конструкцияси билан нафақат ўзимизга, балки ҳамдўстлик мамлакатларидаги бошқа республикалар деҳқонларига манзур бўлаётгани қувонарлидир. Улар учун Туркия, Россия давлатларидаги

савдо уйларимиздан бюротмаларга етказиб берилмоқда. Келгусида бундай савдо марказларини Яқин ва ўрта шарк мамлакатларида ҳам очиш ниятимиз бор.

Харьков трактор заводида тайёрланган «Т-150-05-09» русумли тракторнинг республикамизда синаб кўришда ҳам мутахассисларимиз билан бамаслаҳат иш юритилди.

Яна бир янгилик, Ночинск трактор заводи билан ҳам ҳамкорлик йўлга қўйилди. Корхонада тайёрланган шудгорлаш агрегатининг Тошкент трактор заводида йиғилган намуналари халқаро танловда мукофотга сазовор бўлди.

**Пойтахтимиздаги «Фотон» очиқ турдаги ҳиссасдорлик жамиятида асосан электротехника соҳаси учун ярим ўтказгичлар тайёрланиб, хорижга экспорт қилинади. Бундан ташқари, рангли телевизорлар, савдо дўконлари учун назорат-касса аппаратлари ва бошқа халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилади.**

**ЭЛЕКТР ҚУВВАТИ ТЕЖАЛАДИГАН БЎЛДИ**

Ҳиссасдорлик жамиятида куёш энергиясини электр энергиясига айлантирадиган ускуналар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бу эса мамлакатимизнинг айрим тоғли худудларини электр энергияси билан янада яхшироқ таъминлаш имконини беради.

Ҳозир бундай ускуна Жиззах вилоятида синовдан ўтказилмоқда. Тажриба ўзани тўла оқлагач, кейинчалик бошқа тоғли худудларда ҳам ўрнатилди.

Электр энергиясидан тежаб-тергаб фойдаланиш долзарб масалалар сирасига киради. Шу боисдан корхонада электр қувватини тежадиган ёритиш ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Унинг афзал жиҳати — олти баравар кам қувват сарфлайди.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида корхонада мингга яқин телевизор, уч мингга яқин назорат-касса аппарати ишлаб чиқарилди.

ЎЗА

**Биз ва жаҳон****АЛОҚАЛАР  
МУСТАҲҚАМЛАНАДИ**

Ўзбекистон пойтахти Тошкентдан чет элларга радиозиттиришлар 1947 йили бошланган. Ҳозирги кунда Тошкент халқаро радиосидан 12 тилда 15 соатли эшиттиришлар эфирга узатилади.

Айни кунларда Тошкент халқаро радиосининг ҳиндий бўлими ташкил топганига 41 йил тўлди. Ҳиндий тилидаги радиозиттиришлар 1962 йилнинг 20 октябридан эфирга узатила бошланган. Шундан буён ҳар куни Ҳиндистон вақти билан кеч соат олти яримдан еттигача ва тунги саккиздан саккиз яримгача Ҳиндистонлик тингловчилар учун эшиттиришлар бериб келинмоқда.

Ҳозирги кунда ҳиндий тили бўлимида ўнта ходим меҳнат қилмоқда. Уларнинг барчаси Тошкент Давлат шарқшунослик институтининг битирувчиларидир. Шунингдек, уларга бир неча Ҳиндистонлик мутахассислар радиозиттиришларни тайёрлашда ва эфирга узатишда кўмак бериб келмоқдалар. Булар—профессор Бхола Натх Тивари, Девендр Коушик, Удайвир Сингх Самодия, Винай Шукла ва бошқалардир.

Тошкент халқаро радиосининг асосий мақсди Ўзбекистон ва Ҳиндистон халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашга ҳисса қўшиш, ҳинд халқини Ўзбекистоннинг ташки сийсати, турли соҳаларда қўлга киритаётган ютуқлари, ўзбек халқининг маданияти ва урф-одатлари билан таништиришдир. Тошкент халқаро радиосига 70 дан ортқ мамлакатдаги мухлислардан мактублар келмоқда. Уларнинг аксарияти Ҳиндистонлик тингловчилардир. Улар ўз мактубларида Ўзбекистон ҳақидаги билимларини оширишда Тошкент халқаро радиоси катта ҳисса қўшаётганидан мамнун эканликларини билдирмоқдалар. Бу албатта иккала халқ ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлашда муҳим омил бўлади.

Гулором ШОКИРОВА

**Сангай****ЁШЛАР ФАОЛИЯТИ  
БАҲОЛАНДИ**

Талаба ёшлар ижодиёти кўрк-фестивали театр санъати ихтисослигини пухта эгаллаётган ёш истеъодлар учун жиддий ижодий синов бўлди. Мамнун Уйғур номидаги Тошкент Давлат санъат институтида ўтказилган бу маданий тадбирда олий ўқув юртининг бир йиллик фаолиятига баҳо берилди.

Фестиваль дастури бўйича бир неча йўналишлар бўйича голиблар аниқланди. Институт ўқув театрида сахна юзини кўрган «Аждарҳо» спектакли «Илнинг энг яхши спектакли» йўналиши голиби бўлди.

«Илнинг энг яхши эркак роли» йўналиши бўйича «Шоҳ Эдип» постановкасидаги Эдип роли юқори баҳоланди. «Чавандоз» спектакли эса «Драматургия соҳасидаги самарали изланишлари учун» йўналишида голибликни қўлга киритди.

Телевизион режиссёрлиги бўлимини битирган Ботир Маматиллаев изланишлари ҳам яхши баҳоланди. У Қозғистонда ўтказилган талаба ёшлар халқаро кинофестивалида қатнашиб, совринли мукофот соҳиби бўлди.

Ақбар АЛИЕВ

Болалар — бизнинг келажгимиз. Уларнинг келгусида соғлом, бақувват, комил инсон бўлиб вояга етишида албатта ота-она масъулдир. Лекин минг афсус, гоҳида кўча-кўйда, транспортларда уй-жойсиз, ота-онасиз ёлғиз тиламчилик қилиб юрган ёш болаларни учратиш қоламиз. Ана шунда қалбимизнинг аллақарида бир орғиқ сезамиз. Ўз-ўзимизга савол берамиз. Хўш, шундай фаровон, тинч замонамизда бу ёш болалар нима учун кўчага ташлаб қўйилган? Уларнинг ота-оналари ким? Наҳотки фарзандни дунёга келтириб, энди унинг тақдирига берафқ бўлишса... Юқоридаги каби қаровсиз қолиб, оғир аҳволга тушиб қолган болаларга кўрсатиладиган ижтимоий хизматни ривожлантириш мақсидида 2000 йилда Тошкент шаҳар «Меҳр таянчи» болалар маркази «Болаларни асраш» (Буюк Британия) ва Ўзбекистон Болалар жамғармаси хайрия ташкилотлари кўмагида ташкил топди. Биз «Меҳр таянчи» болалар маркази директори Даврон МАҲМУДОВ билан суҳбатда бўлиб, марказнинг бугунги кундаги фаолияти, эришилаётган натижалар билан кизикдик.

— Даврон Муйдинович, «Меҳр таянчи» болалар марказининг мақсад ва вазифалари нималардан иборат?

— Маълумки, бошқа давлатлар сингари бизнинг мамлакатимизда ҳам ўтиш жараёни кечаётган даврда 18 ёшгача бўлган қаровсиз болалар оз бўлса-да, учраб турибди. Улар билим олиш, малакали тиббий ёрдам ва ижтимоий химоядан маҳрум. Ҳаёт учун кураш уларнинг катта муаммоларидан бири. Болалар жиноятчилик кўчасига кириб кетмаслиги ва зўрланшларнинг олдини олиш учун жамият томонидан йўналтирилган кўмак ва эътиборга муҳтож. Мана шуларни эътиборга олган ҳолда қаровсиз болаларни ижтимоий муҳофаза қилиш мақсидида «Меҳр таянчи» болалар маркази ўз фаолиятини олиб бормоқда. Марказнинг асосий вазифалари кўчада қаровсиз қолган ва меҳнат қилаётган болалар ҳуқуқларини химоя қилиш, уларнинг ҳаётида тўқнашиб келаятган муҳим муаммоларини ўрганиш, оилалари билан танишиб, ижтимоий иш олиб бориш, оилаларига қайтариш, уларга ҳар томонлама кўмак бериб тўғри йўлга солишидир.

— Айтингчи, болаларнинг шу кўйга тушиб қолишига нималар сабаб деб ўйлайсиз?

— Ҳар бир бола яшаш ҳамда соғлом ривожланиш ҳуқуқига эга. Ўзбекистон аҳолисининг 50 фоизини ёшлар ташкил этади. Табиийки, ушбу тоифа вакиллари алоҳида эътибор ва парваришга моликдир. Болаларга нисбатан кўрсатилган лоқайдлик, назоратсизлик оқибатида уларда ижтимоий мослашувнинг сусайиши, меъёрдан четга чиқувчи ахлоқнинг шаклланиши, ноҳуқуқий хулқ-атворнинг намоён бўлиши хавфи кучаяди. Оила қарамоғидан четда қолиб кетиши мумкин бўлганлар тоифасига авваламбор ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи кишилар томонидан етар-

лича қаров, эътибордан, парваришдан, кўрсатилиши лозим бўлган ижобий таъсирдан холи бўлган болалар қиради.

улар билан суҳбатлар ўтказишади. Марказга тез-тез келиб турадиган болаларнинг баъзиларини уларига қайтаришга ҳаракат қиламиз. Бу

ерга келаятган болалар сони ҳозирги кунда 400 дан ошди. Уларнинг ичида бир марта келиб қайтиб келмайдиганлари ҳам бор. Ёки қийин аҳволга тушиб қолгандагина келадиганлари ҳам бўлади. Бу болалар орасида уй-жойи, ота-онаси борлар ҳам учрайди. Бу борада ҳам муайян ишлар олиб боришмоқда. Ҳозир 11 та болани оилаларига қайтаришга муваффақ бўлдик. Бу соҳада муаммолар кўп. Уларнинг ечимини йўлида марказимиз шаҳар ҳокимлиги, Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими, Ички ишлар бош бошқармалари, «Маҳалла» жамғармаси билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Мақсадимиз болаларни кўчадан тортиб олиш ва бу ерга жалб қилиш. Бунинг учун марказда болаларнинг ҳар хил хунарларга қизиқишларини ошириш мақсидида сартаорлиқ, расомчилик, тикиш-бичиш, драма ва рақс тўғралаари мунтазам фаолият олиб бормоқда. Шу билан бирга турли хил байрам тадбирлари, учрашувлар, танловлар ўтказилмоқда. Келгусида марказда болалар спорт майдончаси, компьютер хоналари ва ётоқхона ташкил қилиш ниятида. Бу мақсадларимизни амалга оширишда ҳомийларимиз кўмак бериб, қўллаб-қувватласалар, ишларимиз янада жонлиб кетади, деган умиддаман.

Халқимиз меҳр-оқибатли, савобатли. Айниқса ёшларга, кексаларга, умуман ёрдамга муҳтож инсонларга ғамхўрлик қилиш, меҳр-муруват кўрсатишдек савоб иш қилиш қадимдан ота-боболаримиздан бизга мерос қолган. Ана шундай хайрли ва савоб ишларга қўл урган «Меҳр таянчи» болалар маркази ҳодимларига эзгу ишларида омад тилаймиз.

Дилором ИКРОМОВА  
суҳбатлашди.  
СУРАТДА: «Меҳр таянчи»  
болалар марказида ўтказилган  
тадбирдан лавҳа.

**• МУСОҲАБА****«МЕҲР ТАЯНЧИ»ГА  
УМИД БОҒЛАНГ**

Шунингдек, ушбу тоифага меҳрибонлик уйларини ёши туфайли тарқ этган уй-жойсиз, ота-онасиз қолган ўсимлар ҳам қиради. Тошкент шаҳрида ўғрилиқ ҳамда тиламчилик қилаётганларнинг аксарият қисми республикамиз ҳудудларидан, шунингдек, Россия Федерациясидан ўзи ёки оиласи билан келган болалар ташкил этади. Охириг икки йил мобайнида бундай болаларнинг сони анча ошди. Уларнинг кўпчилигини тўлиқсиз маълумотга эга ёки умуман маълумоти йўқ бўлган болалар ташкил этади.

— Бундай болаларга марказда қандай ёрдам кўрсатишмоқда? Уларни тўғри йўлга солишда қандай тадбирлар амалга оширилмоқда?

— Марказга келган аввало ҳодимларимиз томонидан тиббий ёрдам кўрсатилади. Уларнинг соғлиқлари текширилиб, кийим-бошлари алмаштирилади. Шунингдек, болалар марказда ташкил этилган турли тўғралаарга жалб қилинади. Марказда педагог, руҳшунос ва шифокорлар болаларни айнакса, руҳий томондан ўрганишади. Руҳшунослар

Британиянинг «Рассел Малифант Компани» балет гуруҳи Алишер Навоий номидаги давлат академик Катта театри сахнасида замонавий балет намунасини намойиш этди.

**БРИТАНИЯ БАЛЕТИ ЎЗБЕК  
ТЕАТРИ САҲНАСИДА**

«Рассел Малифант» концерт дастуридан уч композиция ўрин олган, улардан бири «Choice»ни тошкентликлар биринчи бўлиб томоша қилишди.

Томошага кириш чипталари бепул тарқатилди. Чунки ташкилотчилар учун рақс ва мусиқа билан шуғулланаётган, мақсад ва интилишлари муштарак бўлган ёш томошабинлар гуруҳини тўплаш муҳим эди.

Лойиҳа «Пойтахт» меҳмонхонасининг хомийлиги кўмагида Британия Кенгаши томонидан амалга оширилди.

Британия Кенгашининг директори Невилла Мак Бэйннинг сўзларига қараганда, балет Британияда оммавий санъат тури ҳисобланади. Лойиҳа ўз олдига балет воситасида Ўзбекистон аҳолисини Буюк Британия маданияти билан ақиндан таништиришни мақсад қилиб қўйган. Мазкур балет гуруҳига хореограф Рассел Малифант раҳбарлик қилади.

— 1997 йил ўз труппани ташкил қил-

гунга қадар, мен «Salder's Wells» қироллик балети таркибида етти йил давомида мумтоз рақсларни ижро этдим, — деди Рассел Малифант. — Янгиликка чанқоқлимиз мазкур балет жамоасини тузишимга сабаб бўлди. Замонавий балетни фақат ҳаракатдаги геометрик шакллари ижро этиш имконияти эмас, балки инсоннинг қалб кечинмалари, ички ҳолатини ифодалаш санъати деб тушуниш керак. Мен бу услубни ишлаб чиқишни 1991 йилда бошладим ва унга «йюга» фалсафаси ва ҳаракатлари, «кавбер», «тайчи» яққаураш турлари унсурларини киритдим, — деб таъкидлади у.

Расселнинг мутлақо янги ижод билан шуғулланишига таниқли рассом-ёритувчи Майкл Халлс билан танишуви туртки бўлди. Замонавий балетда безак-ёритиш эффектларининг аҳамияти катта. Нур, ёруғлик, мусиқа ва пластика бир-бирига ниҳоятда уйғун бўлиши керак.

«Туркистон-пресс»

**Ҳамкорлик****СЕВИМЛИ УСТОЗГА  
АЙЛАНДИ**

Япониялик олимларнинг иншоотлар зилзилабардошлиги йўналиши бўйича олиб бораётган йирик изланишлари халқаро аҳамият касб этмоқда. Қурилиш санъати ривожига муҳим ўрин тутувчи бу илгор тажрибадан Тошкент Архитектура ва қурилиш институти талабалари ҳам баҳраманд бўлишмоқда.

Япония халқаро ҳамкорлик жамияти тавсияси билан ушбу мавзудаги маърузалардан асосий қўлланмалар янглиг, олий ўқув юртида фойдаланиш йўлга қўйилди.

Япониялик волонтер профессор Терухиса Мията эса талабаларнинг севимли устозига айлиниб қолди. Унинг Санъат ва фуқаро қурилиш факультетида олиб бораётган машғулотлари мундарижа ва мазмуни билан бўлажак меъморларда яхши таассурот қолдирмоқда.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ

Шайхонтохур туманидаги «Гуллобод» маҳалласида турт йилдан бери «Маҳалла посбони» жамоат тузилмасининг сардори бўлиб ишлаб келаётган Васила Султонова 21 нафар посбон ҳамкорлигида маҳалла тинчлиги, осойишталиги йўлида намунали иш олиб бормоқда.

**СУРАТДА:** Васила Султонова (ўнгдан учинчи) профикатика нозирлари ва посбонлар билан иш режаси ҳақида маслаҳатлашмоқда.



Ҳар бир давлатнинг ижтимоий-сиёсий жиҳатдан ривожланиши шу давлатни, жамиятни ташкил этувчи фуқароларнинг сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий ҳамда маънавий онгининг юксаклиги билан характерланади. Саводхонлик, маърифий билимдонлик қай даражада юқори бўлса, шу давлатда демократия тамойиллари ҳам шунчалик ривожланган бўлади. Халқ давлат томонидан чиқариладиган қонунларга эҳтиёж сезади, ўрганади, ҳаттоки, уларни ишлаб чиқишда, қабул қилинишида ўз фикр ва тақлифлари билан муносабатини билдиради. Бундай тамойилларнинг амалда қўлланилиши демократик ҳуқуқий давлат куршининг асосий мезонларидан биридир.

**• МУНОСАБАТ**

**МУКАММАЛ ҚОНУНЛАР — ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИ ОМИЛИ**

Ҳозирги кунда мамлакатимизда қонунларни ишлаб чиқиш, қабул қилиш ҳамда уларни ҳаётга татбиқ этиш борасида муҳим ишлар амалга ошмоқда. Албатта, ҳар бир қонун — инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, манфаатларини ҳимоя қилиш учун қабул қилинади. Қонунлар шунчаки тезда тайёрланиб, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинадиган — юзаси ҳуқуқий қонунлардан иборат бўлмасдан, балки, бир неча босқичлардан ўтиб, ижтимоий муносабатларни тартибга соладиган жараёндир. Бунда, биринчидан, айнан қонун билан тартибга солиниши зарур бўлган ижтимоий муносабатлар ўрганилади, таҳлил қилинади.

Иккинчидан, ушбу соҳа бўйича, қонун лойиҳаси тайёрланади, бу жараёнда ҳуқуқшунос олимларнинг, амалиётдаги мутахассисларнинг фикрлари, тақлифлари ўрганилади, унингдан, тайёрланган қонун лойиҳаси муҳокамага қўйилади, сўнгра, у қабул қилинади. Бунда мураккаб жараёнинг ўзига қамраб олинишининг асосий сабаби — қонун жамият тараққиётига, инсон манфаатларига мос келишидир. Шу билан бирга адолатли қонунлар яратиш тақозосидир. Қонунчилик жараёнининг демократик тамойилларга мос келиши учун эса шахс, жамият ва давлат манфаатларини уйғунлаштириш ҳам зарурдир. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, халқнинг бевосита қонун лойиҳаларини муҳокама қилишда иштирок этиши муҳим демократик тамойил ҳисобланади.

Қонунга бўлган эҳтиёж, қонунни ёзиш ва уларга амал қилиш жуда қадимдан давом этиб келган жараён бўлгани учун ҳам, қонунчиликни такомиллаштириш хусусида мутафаккирлар ўз сиёсий-ҳуқуқий қарашларида турлича фикр ва мулоҳазаларни билдиришган. Жумладан, қадимги Хитой мутафаккири Конфуцийнинг фикрига кўра, жамият тараққий этар экан, олдинги қонунлар қанча-

лик яхшиликка, эзгуликка асосланиб қабул қилинган бўлса-да, уларни жамиятга мос равишда қайта кўриб чиқиш зарур бўлади. Мутафаккирнинг фикрича, қонун қанчалик қаттиққўллик билан қабул қилинган бўлса, халқ бундай қонунларда энг оғир жазо белгиланганлиги туфайли, уни айлланиб ўтишга ҳаракат қилади, қонун қанчалик эзгулик билан қабул қилинган бўлса, халқ бундай қонунларга бўйсунмайди, эзгуликдан уялиди, жиноят қилишдан қочади. Умуман, мутафаккирларнинг фикрича, ижтимоий муносабатларни тартибга солишда мамлакатда амалда бўлган қонунларнинг микдори эмас, балки уларнинг сифати ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Қонунларнинг сифати эса кўп жиҳатдан қонуншуносларнинг тафаккурига, билимларига боғлиқ бўлади. Абу Наср Форобийнинг фикрича, «Нодон қонуншунос ҳеч қачон тараққийпарвар қонун ижод қила олмайди».

Қонунларга риоя қилишнинг муҳим шартларидан бири — уларнинг мамлакат, давлат ва халқ манфаатларини, жамиятнинг турли табақалари, маҳаллий урф-одатлар, анъаналар, фуқаролар ҳуқуқий маданияти даражасини назарда тутиб чиқарилишидир. Ушбу сиёсий-ҳуқуқий таълимларнинг бугунги кундаги аҳамияти шундаки, ҳозирда мамлакатимизда қабул қилинаётган қонунларда айнан юқорида қайд этилган гоёларга амал қилинаётганлигини мисол қила оламиз. Бунда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга катта эътибор берилмоқда. Суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларда яраштирув институтларининг қўлланилаётганлиги, жазоларни энгиллаштириш, амнистия тегишли, зарарни қоплаш, умуман энгиллаштирувчи жазоларни қўллашнинг барчаси — инсон ҳуқуқларининг ҳимоя қилинишига қаратилган ислохотлардир.

Юқоридегиларга асосланиб, жамиятимизда ҳуқуқий ислохотлар кенг кўлабда амалга оша-

ётган бир даврда қонунчиликни такомиллаштириш давр талабидир, дейишимиз мумкин.

Шундай жараёнда фуқароларимизнинг қабул қилинаётган қонунларга юзаси, беписандлик билан муносабатда бўлмасдан, балки уларнинг ким учун, нима учун қабул қилиниши, қонун лойиҳаларини ўқиб ўрганиб, ўз фикр ва муносабатларини билдиришлари жамиятимизда яна бир яхши қонун қабул қилинишининг муҳим шарт, десак янглишмаган бўламиз. Зеро, қонун лойиҳасини тайёрлашда жамоатчилик фикридан фойдаланиш «Фуқаролар муурожаати тўғрисида»ги қонунда ҳам ўз аксини топган. Бу қонунга асосан фуқаролар муурожаати 3 турга бўлинади. Булар тақлиф, ариза ва шикоятлардир. Шу билан бир қаторда жойларга бориб жамоатчилик фикрини ўрганиш учун олимлар, мутахассислар, манфаатдор корхоналар вакилларида ташкил топган депутатлар гуруҳлари юборилади.

Мамлакатимиз Парламентида кенг халқ оmmasи манфаатларини қамраб олувчи муҳим қонун ҳужжатларини оммавий ахборот воситалари орқали умумхалқ муҳокамаси учун эълон қилиш амалиёти ўз ўрнини топмоқда.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, қонунчиликни такомиллаштириш, қонун яратиш — масъулиятли ва мураккаб жараёндир. Халқ иродасини ифодаловчи қонунлар жамият тараққиётига, юртимизда амалга оширилаётган барча сиёсий-иқтисодий, суд-ҳуқуқ ислохотларига катта амалий таъсир кўрсатади.

Қонунларнинг адолатчилиги, ҳаётийлиги ва халқчилилиги, яъни халқ иродасига мувофиқлиги— фуқаролар ҳуқуқий маданиятининг ўсишига, уларнинг демократик ислохотлар жараёнида бевосита ва онгли иштирок этишига хизмат қилади.

**Феруза МУХИДИНОВА,**  
**Тошкент Давлат юридик институтини катта ўқитувчиси, юридик фанлари номзоди.**

Маълумки, Вазирилар Маҳкамасининг «2003 йилда нефть, нефть маҳсулотлари ва табиий газни ишлаб чиқириш ҳамда истеъмол» тўғрисидаги қарори қабул қилинган эди. Қарор ижросини таъминлаш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг «Ёқилги-энергетика ресурсларидан рационал фойдаланишга қаратилган қонунчилик ижросини таъминлаш ҳамда прокурор назоратини кучайтириш тўғрисида»ги қўрсатмаси ишлаб чиқилди, ушбу қўрсатма талабларини бажариш борасида Тошкент шаҳар прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бошқармаси ходимлари томонидан қўриб борилган тадбирларда ва келиб тушган маълумотларга кўра жойларда давлат томонидан ажратилган ёқилги-мойлаш материаллари мутасадди корхона ва ташкилот раҳбарлари томонидан турли йўللار билан ўзлаштириб келинаётганлиги, фуқаролар томонидан ноқонуний равишда даромад олиш мақсадида ёқилги-мойлаш материаллари Республика миқёсида ҳудудига ноқонуний келтирилиб сотилаётганлиги давлат иқтисодиётига жидд таъсир етказётганлиги аниқланган. Бундан ташқари ёқилги қўйиш шохобчалари томонидан ёқилги-мойлаш материалларини сотишдан тушган савдо пулларини назорат-касса машиналаридан ўтказмасдан, банк муассасаларига топширилмасдан бошқа мақсадларга ишлатилаётганлиги ҳам дуч келинмоқда. Нефть омирборларидан ва ёқилги шохобчаларидан нопок шахслар томонидан яширин даромад кўриш мақсадида қонунга хилоф равишда сунъий танқислик ҳолатини вужудга келтирган ҳолда ёқилгилар айрим фуқаролар орқали 2-3 баравар қўлатиб аҳолига сотилмоқда.

Кўни кеча Тошкент шаҳар прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бошқармаси ходимлари томонидан Шайхонтохур тумани Форобий кўчасида жойлашган «Ретро Мах» хусусий фирмасига қарашли АЁҚШда текширув ўтказилди.

Кузатув давомида харидор Алишер Ахунходжаев шахсий автомашинасида АЁҚШга кириб хизмат кўрсатувчи Аҳмадхон Раҳматовга 20 литр бензин қўйиб беришни сўраган. А.Раҳматов 20 литр бензин 5200 сўм бўлишини айтган, шундан сўнг А.Ахунходжаев пулни тўлагандан сўнг

«Petro max» ХФси оператори Жалил Муҳитдинов томонидан 20 литр бензин қўйиб берилган. Харидор ва сотувчилар ўртасидаги ҳисоб-китоб тўлиқ тугатилганидан сўнг харид қилинган бензин қайта ҳисобланганда 20 литр бензин ўрнига 19 литр қўйилганлиги ва 1 литр

сўмлик уриб қолиб шахсий даромад ортирилган. Суриштирув жараёнида олиб борилган профикактик-тушунтиришлар натижасида корхона раҳбари Собитжон Шерматов томонидан фуқаролар манфаатига етказилган 4.106.826 сўм зарар тўлиқ ундирилди.

Шунингдек, Юнусобод тумани, 17-мавзе Мирзаев кўчасида жойлашган «RAV EKSPRESS» масъулияти чекланган жамиятга қарашли АЁҚШда текширув ўтказилганида харидор Обид Қурбонов ўз автомашинасида кириб АЁҚШ оператори Дилшод

Абдурауфовга муурожаат этиб 20 литр А-76 бензин беришни сўраган. Оператор харидордан жами бўлиб 5200 сўм пул олган ва харидорга 5100 сўм учун назорат касса машинасида чек уриб берган. Харидорнинг автомашинасида чек қўйилган 20 литр бензин ўлчанганда эса 1,3 литр кам чиққанлиги аниқланди. Бир вақтнинг ўзига харидордан ҳам 100 сўм пул ва 1,3 литр бензин уриб қолинмоқда. Текширувда АЁҚШ раҳбари Собитжон Толипов ушбу АЁҚШга кам қўйиш масаласи ўрнатилганлиги ва ҳар 50 литр-

дан 2,5 литр бензин кам қўйилишини кўрсатиб ўтган ва ушбу масала тахминан шу йилнинг 16 сентябрь кўни ўрнатилганлиги ва шунинг ҳисобига 4.751.093 сўмлик автоёқилгини ноқонуний равишда харидорлар ҳақидан уриб қолганлигини кўрсатиб ўтган.

Қонунбузарлик юзасидан ўтказилган суриштирув ҳаракатлари давомида Собиржон Толипов ҳам қўйиш масаласини текширувдан сўнг ечиб олиб ўз автомашинасида қабултанганини кўрсатиб ўтиб ушбу масалами ихтиёрий равишда суриштирувга тақдим этди ва у жиноят иши материалларига далилий ашё сифатида қўшилди.

Собиржон Толипов томонидан фуқаролар ва давлат манфаатига етказилган 4.791.093 сўм зарар тўлиқ ундирилди.

Юқорида аниқланган қонунбузарликлар юзасидан бугунги кунда суриштирув ҳаракатлари олиб борилмоқда.

**Киёмиддин ТОШМУРОДОВ,**  
**Тошкент шаҳар прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага қарши жиноятларга қарши курашиш бошқармасининг катта инспектори.**

# Инсон ва қонун

**• СЎНГИ ПУШАЙМОН — ЎЗИНГА ДУШМАН**

Поезд Сурхондарёдан келиб тўхтади. Ундан ёшу қари, жомадон кўтарган эркак, чақалоги йиллаган аёл ҳуллас, бир қанча кишилар тўшиб келди. Охирида эса халтасини судраган бир бола эринибгина оёғини вагондан узди. Аммо нима учундир бу йигитча ёлғиз эди (биз унинг исмини ўзгартириб Даврон деб атадик). Вокзал гала-говурга тўла, ҳеч кимнинг бири-бири билан иши йўқ, ҳамма ўзи билан ўзи овора эди. Хали вояга етмаган, оқ-у қорани яхши ажрата олмайдиган Давронни бу ерларга тақдир аталмиш шамол элтиб ташлаганди.

У иш топиш илинжида Тошкентга келди, кўчаларда, боғларда анчагача тентираб-юрди. Нима қиларини бил-жирними, троссними, бо-рини ага зирақини, узукни яшаб, ошини ошаб бўлган бир кампир қўлида халтаси билан ўтиб қолди. Кампирнинг халтаси унча оғир бўлмаса ҳам, худди бир қоп нарса кўтаргандай букчайиб юраётган эди. Даврон бу қарияга эътиборсиз бўла олмади: «Келинг, буви, кўтари-шиб юборай», деди-да кампирнинг қўлидагини олди. Кекса аёлнинг кўзлари қан-қанд кетди, қўлини дуога очиб

бордини тортиди. У вақтни ганимат билиб қизнинг ор-қасидан тез-тез юриб бо-риб, унинг бўйнидаги зан-жирнига ҳамла қилди. Қўтил-маганда қилинган бу «зар-ба»дан ҳалиги қиз ва аёллар олсанг ҳам бўлаверарди. Бит-тасини олсанг кейин анчага-

си билан холасини ўша ерга бошлаб борди. Тилла зан-жир ўғриси 5 қаватли уй-нинг 5-қаватига чиқиб, худ-ди мушқуннинг ҳамласидан бурчакка қочган сичқондек типирчиларди.

Тобора яқинроқ эшитила-ётган қадам товушлари Давронни саросимага солди. Унинг баданидан муздек тер-чиқа бошлади. Унинг кўзла-ри жипқ ёш, қўлида эса тил-ла занжир. Энди у ҳақиқат-дан ҳам қопқонга тушган эди. Шу дамларда Даврон қочми-ни хаёлига ҳам келтирмас-ди, чунки унинг вужудини пушаймон, афсус, надомат кемира бошлаганди. Аммо

наилож, сўнгги пушаймон ўзинга душман дейди доно халқимиз. Бир зумда уй шовқин-су-ронга тўлиб кетди. Тезкор тергов гуруҳи ҳам воқеа жой-ига етиб келди. Тилла зан-жир уйдабурун ва зийрак Матлубага қайтарилди.

Шу ишни олиб борган Тошкент шаҳар Ички ишлар бoш бошқармаси тезкор бўлим терговчиси милиция катта лейтенанти Воҳиджон Дадажонов бўлиб ўтган воқеа ҳақида бўлга кўп нар-саларни сўзлаб берди. Дан-ярҳақиқат, фарзанднинг яхши ёки ёмон бўлиши ал-батта унинг тарбиясига, ат-роф-муҳитга боғлиқ. Чунки ҳеч бир инсон дунёга жино-ятчи бўлмаган деб кўлмайди.

**Феруза УМРЗОҚОВА,**  
**Тошкент шаҳар ИИББ Матбуот маркази жа-матчи муҳбири.**

**• ҲУҚМ ҲҚИЛДИ**

## ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР

Жамиятимизда айрим инсонлар ўз лавозимидан фойдаланиб, мўмайгина пул ишлаб олаётгани ҳеч кимга сир эмас. Уларнинг бу товламачиликлари эртани кечми фoш бўлади. Аммо улар кўза кунда эмас кунда синишини билишни хо-ламайдилар.

Рустам Якубов «Авиасозлар» бо-зори акционерлик жамиятида раҳбар лавозимида ишларди. У 2002 йил-нинг августидан декабрга қадар хусусий тадбиркор Ж.Андан «Ави-асозлар» бозорида савдо қилиш учун ажратилган жой учун белгиланган тўловдан ташқари ҳар ой ҳисобидан 20.000 сўмдан, жами 180.000 сўм пулни ноқонуний равишда пора та-риқасида олиб келган. Бундан таш-дир унинг нафси ҳақалаб отиб, «Авиасозлар» бозори ҳудудида озиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо қилувчи тадбиркорлар З.Аллана-заров, Р.Жўраев, Р.Алматов ва Аб-дуразақовларнинг бозорда савдо қилишларини тақиқлаб, савдо қилишларини қонун ҳисоби эва-зига, бозор ҳудудида бўлган 6-дўкон сотувчиси Саъдулла Шоеқубов ор-қали 100.000 сўм пулни пора тари-қасида олган ва яна ҳар бир тад-биркордан 55.000 сўмдан йиғиб ке-лишини сўраб, 2003 йил 24 феврал-да тадбиркор Ж.Андан 30.000 сўмни пора тариқасида ўз иш хонасида олган. Эртаси кўни тадбиркор Ж. Ан орқали юқорида номлари қайд этил-ган тадбиркорларнинг савдо қилиш-ларига рўхсат бериш эвазига 300 АҚШ доллари ҳамда 55.000 сўмни ўз хонасида таъмағирлик йўли бил-лан пора тариқасида олаётган вақт-да далилий ашё билан ушланган.

Рустам Якубов ўзига қўйилган ай-бга қисман иқдор бўлиб қўйидаги-ларни баён қилган: —Бозорда 2002 йил март ойидан бўён раҳбар бўлиб ишлайман. Ту-нинг ҳокимининг қарорига асосан бо-зордаги сотувчилар касса аппарат-лари билан ишлаши керак эди. Шунинг учун юзга яқин тадбиркор-тўловдан ташқари ҳар ой ҳисобидан 20.000 сўмдан, жами 180.000 сўм пулни ноқонуний равишда пора та-риқасида олиб келган. Бундан таш-дир унинг нафси ҳақалаб отиб, «Авиасозлар» бозори ҳудудида озиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо қилувчи тадбиркорлар З.Аллана-заров, Р.Жўраев, Р.Алматов ва Аб-дуразақовларнинг бозорда савдо қилишларини тақиқлаб, савдо қилишларини қонун ҳисоби эва-зига, бозор ҳудудида бўлган 6-дўкон сотувчиси Саъдулла Шоеқубов ор-қали 100.000 сўм пулни пора тари-қасида олган ва яна ҳар бир тад-биркордан 55.000 сўмдан йиғиб ке-лишини сўраб, 2003 йил 24 феврал-да тадбиркор Ж.Андан 30.000 сўмни пора тариқасида ўз иш хонасида олган. Эртаси кўни тадбиркор Ж. Ан орқали юқорида номлари қайд этил-ган тадбиркорларнинг савдо қилиш-ларига рўхсат бериш эвазига 300 АҚШ доллари ҳамда 55.000 сўмни ўз хонасида таъмағирлик йўли бил-лан пора тариқасида олаётган вақт-да далилий ашё билан ушланган.

## «02»: ҲОДИСАЛАР

• Юнусобод туманида яшовчи Замира опа «Форс» бозори ташқарисига «Нексия» автоловини қўйди. Узи 4 ёшли ўғлини машинада қолдириб бозорга кириб кетди. Замира опа қайтиб чиққани-да ўғли йилгаётган ва машинадаги 500 000 сўм пул ҳам йўқ эди. У дарҳол ички ишлар ходимла-рига хабар берди. Жиноятчи тезлик билан қўлга олинди. У 1982 йилда тузилган Анвар исмли шахс бўлиб, Замира опанинг таниши бўлиб чиқди.

• Одатда ёшлар диско клубларга ҳордиқ чиқа-риш, уйнаб-қулиш учун борадилар. Аммо Зокир исмли йигит бу сафар диско клубга бошқа максал-да борган қўрнидади. У «Лазокат» салони сартаро-ши Темирни уриб бурун суягини синдириб қўйди. Қайфи таркаган Зокир ўзини хушроҳонада кўрди. У қилган ишдан пушаймон бўлди. Лекин энди кеч эди.

• В.Боря ўта ошириб спиртли ичимлик ичди. Кўчада кетаётлиб А.Шохруҳнинг уйи олдига у би-лан ўзаро жанжаллашиб қолди. Боряннинг кўзига

тушунтирдим. Пуллари эса «кас-сага топишини», дедим. У касса ёқилгини айтиб, пуллари қол-дириб кетди. Уша кўни яна соат 11.00 ларда ёнимга Ж.Ан кирди. Беш-та тадбиркордан пул йиғиб олгани-ни, ишлашга рўхсат беришимни сўради. Мен бу пуллари кассага топширишни айтдим. У касса ёқил-лигини айтиб, пуллари олиб қоли-шини сўради. У тезда чиқиб кетди. Орадан 15-20 сония ўтмасдан хо-намаг бир неча одамлар киришиб, ўзларини милиция ходимлари деб таништиришди. Улар Ж.Андан олган пуллари сўрашди. Уларга стол ус-тида ўралган пуллари олиб берди, буни Ж.Ан ташлаб қочиб кетганини айтдим.

Саъдулла Шоеқубов ҳам айбига қисман иқдор бўлиб, қилмишидан пушаймонлигини таъкидлади. Суд Саъдулла Шоеқубовни Ўзе-бекистон Республикаси Жиноят Кодек-сининг 212-модда, 1-қисмида қўрсат-илган жиноятини содир қилишда айбли деб топиб, шу моддага асо-сан унга энг кам иш ҳақининг 23 ба-рораби миқдорига — 113375 сўм дав-лат фойдасига ундирилган ҳолда жа-рима жазоси тайинлади.

Рустам Якубов Ўзбекистон Рес-публикаси Жиноят Кодексининг 210-модда, 2-қисми Шондларида кўрсат-илган жиноятини содир қилишда айбли деб топилиб, шу моддага асо-сан, қарамоғида воғва етмаган фар-зандлари ва кекса ониси борлиги, кўп йиллар давлат корхоналарида ижтимоий фойдаланиш меҳнат билан шу-гуллангани эътиборга олинди, уч йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Қилиши-қидирмиш дейдилар. Ҳар ким нима экса шуни ўради.

**Баҳром ЭРМАТОВ,**  
**Ҳамза тумани прокурори,**  
**адлия маслаҳатчиси,**  
**Хонбег ХИММАТ қизи,**  
**журналист.**

қон тўлди. Ёнидан пичоқ чиқариб Шохруҳнинг қорин бўшлиғига санчи ва бир-икки марта энгил тилиб ҳам юборди. Шохруҳ ерга юзтубан йиқилди. Жиноятчи воқеа жойидан қочиб бўлди. Лекин у узоққа кетолмади. Милиция ходимлари уни ўз вақ-тида қўлга олдилар. Энди қилмиши учун жавоб бериши аниқ.

• Н.Курезов исмли шахс «Чилонзор» буюм бозорига савдо қилиш мақсадида тушди. Атрофда одамлар кўп эди. Тўсатдан қандайдир бир шахс унинг қўлидан сумкасини олиб қочиб кетди. Шум-када «Толу» магнитофони ва 473.500 сўм пул бор эди. Жабранувчи жиноятчининг орқасидан юрди, аммо унга ета олмади. Курезовга ички ишлар ходимлари ёрдам бердилар. Жиноятчи қўлга олин-ди. Жабранувчининг нарсалари қайтариб берил-ди.

**Тошкент шаҳар ИИББ Матбуот маркази материаллари асосида Сарвар СОБИРПОВ тайёрлади.**

Шарқ дурдоналари

**Оз-оз ўтганиб**  
**Домо бўлур...**

● Фақат ички, маънавий, оромбахш меҳнат кучигина инсон кадр-қимматининг, шу билан бирга ахлоқий поклик ва бахтиёрликнинг манбаи бўлиб хизмат қилади.

● Бахтнинг энг зарур шевизи — меҳнат: биринчидан — савимли ва озод меҳнатдир, иккинчидан иштаха очадиган ва қаттиқ тинктириб ухлатадиган жисмоний меҳнатдир.

**Дала, дастгоҳ, стол узра бўлмасин,**

**Тер тўқмоқлик, меҳнат — муаззам шодлик!**

**Тандан қайноқ тер чикқунча билма тин,**

**Ишла, тириш, меҳнатда бўл оташин, —**

**Меҳнат билан дунёдаги ободлик!**

● Беш нарса ақли одам ҳислати: "Кўлдан кетган нарасага ачиниб ўтирмаслик, меҳнатдан қўрқмаслик, мағрур бўлмаслик, қўлдан келмаган ишга киришмаслик ва хоҳлаган нараси кўлга кирмаганига қайғурмаслик.

**Иқтидоринг етмаган ишни қилма,**

**Сабабсиз ўзингни донишманд билма.**

**Афлотун ҳақим айтди:**

— Мен фидокорона қилинган меҳнат роҳатидан авлорок ҳеч нарса кўрмадим. Вужудимнинг соғломлигини, жонимнинг саодатини меҳнатдан топдим.

● Тўғрилиқ, очик чеҳралик, ширин сўзлик, ҳалол меҳнат ва оилани муҳтожликда қолдирмаслик — саодатмандлик нишонасидир.

Бир донишманд айтди: эрталаб ўрнингдан туриб, ўзингдан: "Бугун қандай юмушни бажаришим керак?", "Кечкурун ётишдан олдин эса: "Бугунги қилган меҳнатимдан розиманми?", деб сўра.

● Меҳнатни севиш, ғайрат ва матонат билан ишлашнинг учта ширин меваси бор. Биринчиси, танинг саломатлиги, иккинчиси кўнгул роҳати, учинчиси, ақл ва зехнинг ортишдир.

● Бахтиёр бўлишни истасангиз, ҳар бир ишингизни ўз вақтида бажаринг, бугунги ишни эртага қолдирманг, фурсатни қўлдан бой берманг.

**Хикоят:**

Балиқчи тутган балиқларини уйига олиб келар экан, бир зolim йўлтўсар унинг балиқларини тортиб олади ва уради. Балиқчи бундай дуо қилди: "Ё раббий, мени заиф, уни ҳавватли қилиб яратдингки, у менга зулм қилди. Махлуқотингдан бирини унга рўпара қил, токи бутун олам ундан ибрат олсин. Ё раббий, сен ҳар нарсага қодирсан!"

Зolim балиқларни пишираётиб, еяётган пайтда томоғига қилтаноқ тиқилди. Нафас ололмай қолди. Табибларга югуриб даво тополмади. Кечга яқин Оллоҳга ёлворди. Зolim тушида: "Фалон одамнинг ҳаққини берасан, шундан сўнг хасталикдан қутуласан", — деган нидони эшитди. Уйғонар-уйғонмас шошилиб балиқчини кидириб топди. Унга минг дирхам бериб ҳалоллашди. Оллоҳнинг изми билан хасталикдан қутулди. Меҳнатсиз топган текин томоқлик барибир тешиб чиқишини билди.

**Байт:**

**Меҳнат ила ҳал бўладур ҳар мушкул,**

**Коми дил меҳнат ила бўлғай ҳосил.**

Мазкур қарорда, жумладан, ҳарбий хизматга қақришга жамоат ташкилотларини жалб қилиш ва бундай тақбирларга кенг ижтимоий аҳамият бахш этиш, ёшларни армия хизматига маънавий-ахлоқий ва ҳарбий-техник жиҳатдан тайёрлаш тизимини такомиллаштириш вазифалари аниқ белгилаб берилган.

— Ўзбекистон мудофасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотидан ушбу қарор талабларини ҳаётга татбиқ этиш юзасидан кенг кўламда иш олиб борилмоқда, — деди фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга қақришни ташкил этиш ва ўтказишни назорат қилиш бўйича Республика комиссияси аъзоси, ташкилот марказий кенгаши раиси Абдулазиз АБДУКАХҲОРОВ ЎЗА муҳбирига. — Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Халқ таълими вазирликлари, республика ёшларининг «Камолот» ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган «Ёшларни ҳарбий хизматга маънавий-ахлоқий ва ҳарбий-техник жиҳатдан тайёрлаш тизимини такомиллаштириш» дастури шулар жумласига қиради.

Айни вақтда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда мамлакатимиздаги барча қақриув пунктлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг Ватан мудофасига оид моддалари, янги тақрирдаги «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги қонуннинг сафарбарлик қақриуви резервидаги хизмат ҳақида, муддатли ҳарбий хизмат, шартнома бўйича хизмат, ҳарбий хизматни ўтаган резервчилар хизмати, фуқароларни қақриув участкаларида қайд

этиш ва хизматга қақриш ҳақидаги бандларига доир кўргазмалар билан таъминланди.

Ушбу масканларда қақрилувчилар ва уларнинг ота-оналари ўртасида номи

билимдон ўқитувчи, уста ва мураббийлар ўқув-тарбиявий ишларни «Мардлар қўриқлайди Ватанни» шиори остида ўтказмоқда.

Қуролли Кучларимиз барча қўшин турлари учун зирҳли машиналар механик-ҳайдовчилари, алоқачиларни тайёрлаш ташкилотимиз тизимида етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Бу қасб соҳиблари ганимин Ватанимиз сарҳадларидан ўнлаб қақририм нарида аниқлаб олиш ва турли тажовуларнинг пайини қирққиш салоҳиятига эга бўлган мутахассислар ва моҳир алоқачилар ҳисобланади.

Айтиш жоизки, Ўзбекистон Қуролли Кучлари учун ҳарбий-техник мутахассислар тайёрлаш ва унинг сифатини янада яхшилаш борасида Андижон, Сурхондарё, Наманган, Бухоро ва Хоразм вилоятларидаги бўйимларимиз айниқса, яхши натижаларга эришмоқда.

Ҳарбий-ҳаво кучлари учун қақрилувчи ёшлар орасидан самолётлар ва вертолётларни учишга тайёрлаб берувчи механиклар ҳамда авиация қуролларидан фойдаланиш ва тузатиш бўйича моҳир усталар етиштириб беришга оид муҳим топшириқ ҳам ташкилотимиз зиммасига юклатилган.

Айни вақтда асосий диққат-эътибор ёшларни Ватан ҳимоясига тайёрлаш, ҳарбий-ватанпарварлик доирасида олиб борилаётган ишлар савиясини янада юксалтириш, ўсмирларда ўз Ватани, халқига, ҳарбий қасбига муҳаббат ҳиссини кучайтиришга қаратилмоқда.

**Т.БОТИРБЕКОВ,**  
**ЎЗА муҳбири.**

**МАРДЛАР ҚЎРИҚЛАЙДИ**  
**ВАТАННИ**

**Вазирлар Маҳкамасининг «Мудофаа вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликларининг ҳарбий хизматга қақришни ташкил этиш ва ўтказиш юзасидан масъулиятини ошириш тўғрисида»ги қарори қабул қилинганга бир йил тўлди.**

зикр этилган қонун бандларини тарғиб этишга хизмат қилувчи ҳуқуқ бурчаклари, «Маънавият ва маърифат» хоналари ишлаб турибди.

Ташкилот тизимида армияда саводли, жисмоний жиҳатдан чиниққан ёшларга талаб ҳар қачонгидан ҳам ортиб бораётган ҳозирги даврда Қуролли Кучларимиз эҳтиёжини қоплайдиган даражада ўз қасбининг моҳир усталари, мард ва ҳар қандай мураккаб шароитда ҳам берилган топшириқни шараф билан уддалай оладиган ҳарбий-техник мутахассислар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Таъкидлаш жоизки, шу вақтгача ташкилотнинг ўқув муассасаларида Қуролли Кучлар учун минглаб ҳарбий-техник мутахассислар етиштириб берилди. Ташкилотда машғулотларни ҳозирги замон талаблари ва юксак услубий савияда ўтказиш имконини берадиган моддий негиз яратилган. Қурсантларнинг таълим олиши, маданий ҳордиқ қақриши ва спорт билан шуғулланиши учун барча шароит муҳайё этилган. Ўз қасбига меҳр қўйган,

**• КЎРГАЗМАЛАР**

**Замонавий санъат марказида Япониянинг мамлакатимиздаги элчихонаси ҳамкорлигида «Ҳолат ва кайфият: Япония одамлари ва табиати» мавзусида бадий суратлар кўргазмаси очилди. Япония маданияти кунлари доирасида ўтказилаётган мазкур кўргазмада япон фото санъати усталарининг 50 дан ортиқ суратлари намойиш этилмоқда. Кўргазманинг очилишида сўзга чиққанлар ушбу тақбир япон ва ўзбек халқлари ўртасидаги маданий алоқаларни мустаҳкамлашда муҳим омил ҳисобланишини таъкидлашди.**



**ЯПОНИЯ ОДАМЛАРИ**  
**ВА ТАБИАТИ**

Айтиш жоизки, Ўзбекистонга мазкур суратларнинг муаллифлари, жами ўн икки малакали сураткашлар ташриф буюрган. Эътиборли томони шундаки, сураткашлар келгуси йилда Японияда ўтказиладиган Ўзбекистон ҳақидаги суратлар кўргазмасида қатнашиш учун диёримизнинг гўзал ва тароватли жойлари, Самарқанд, Бухоро ижодий

сафарда бўлиб қайтдилар. Шунингдек, саккиз кунлик сафар чоғида Ўзбекистон суратчилари учун маҳорат сабоқлари ўтказилди ҳамда республикамиз бадий сурат усталари билан танишувлар бўлди.

Кўргазмадан ўрин олган Акари Ямагучининг «Эрта баҳор», «Йосакои фестивали», Атсуко Хасибанин «Осиё гули», «Бахтли бошланиш», «Куз ранглари», «Айва фестивали» каби экспозицияларида Япония халқининг турмуш тарзи ва кишилар кайфияти ҳамда табиатнинг сержило манзаралари тасвирланган.

**Юлдуз УСМОН**  
**СУРАТЛАРДА:**  
**кўргазмадан лавҳалар.**  
**Владимир Гранкин**  
**олган суратлар.**



*Мамбуқот*

**ҲАМКОРЛИКДАГИ**  
**МАХСУС СОНЛАР**

**«Тошкент трактор заводи»** давлат ҳиссадорлик жамяяти пойтахтимиздаги йирик машинасозлик корхоналаридан бири ҳисобланади. Унинг цех ва участкаларида қайноқ меҳнат ҳуқирон. Тракторсозларнинг кўп қиррали меҳнат фаолиятини оммалаштиришда корхонада чоп этилаётган «Тракторсоз» газетасининг тутган ўрни катта бўлмоқда.

— Корхонамиз Мирзо Улуғбек туманида жойлашган, — дейди бу кўп нусхали газета бош муҳаррири вазифасини бажарувчи Хусан Баратов. — Туманимиз санаят зонаси бўлиши билан бирга илм-фан даргоҳлари маркази ҳамдир. Ўзбекистон Фанлар академиясининг деярли кўпчилик институтлари шу ҳудудда фаолият кўрсатмоқда.

Туман ҳаётида юз бераётган янгиликлар билан газетхонларни яқиндан таништириб бориш мақсадида биз туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда махсус сонларни тайёрлашни йўлга қўйдик.

Зеро, ҳамкорликда чиқарилаётган газеталар туман аҳолиси томонидан ҳам қизиқиш билан ўқилмоқда.

Мирзо Улуғбек тумани: «Факт ва рақамлар», «Иқтисодий ўсишлар», «Маърифат ва маънавият», «Фан ва ишлаб чиқариш», «Тракторсозларнинг халқро алоқалари» каби рунклар остида ёритилаётган материалларда шу куннинг нафаси сезилиб туради.

— Газетамизнинг навбатдаги сонини ҳам шу яхши аънава асосида чоп этдик, — дея сўзида давом этди суҳбатдошимиз. — Унда «Махалладан бошланар Ватан», «Истиклол шарофати», «Авлод баркамол бўлса» деган сарлавҳаларда ёзилган мақолалар ҳам ўрин олди.

Бундай махсус сонлар корхона тракторсозлари билан туман меҳнат аҳли ўртасида яқин ҳамкорликни йўлга қўйишда муҳим алоқа ва мулоқот воситаси бўлиб хизмат қилаётир. Чиндан ҳам «Тракторсоз»нинг бу яхши ташаббусини куйи матбуотда татбиқ этиб, кенг оммалаштиришга арзийди.

**Анвар ВАЛИЕВ**

Хоҳ шомини, хоҳ...

## КЎЗИКИБ ҚОЛМАСАЙДИ

Ўтган 1995 йил Хитой авиацияси учун хавфсиз учиб йили бўлди. Саккиз йил ичида эндигина илк бора авиа йўналишда бирон марта ҳам ҳалокат ёки салбий натижалли сафар қайд этилмади. Хўш, ундан аввалги йилларда нима бўлган дерсиз?

1993 йили февралда юз берган авиаҳалокатидан 76 киши ҳаётдан кўз юмган. 1994 йилда эса Хитойни бутун бошли ҳалокат булут қоплади, десак муболаға бўлмайдими. Шу сабабли ҳам Халқаро авиайўловчилар Ассоциацияси Хитой авиайўналишидаги учинчи «юкори хатар олами» деб эълон қилди.

Энг йирик ҳалокатлардан бири шуки «Шимол-гарбий Хитой авиайўналиши» компаниясига қарашли бўлган авиалайнер Синаё шаҳри яқинида ҳалокатга учраган. Оқибатда эса 160 кишининг ёстиги қурди.

Тақдирнинг шум ҳазилини қаранг-ки, бу ҳодиса ХХР ҳукумати томонидан авиаҳавфлиги ҳаракати эълон қилинган кундан ропла-роса уч ой ўтган юз берган. Барибир учувчиларнинг тиришқоқлиги устун келгани учунми, улар 1,2 миллион соат авиайўналишда учган бўлсаларда, рейсларнинг бари хотиржам ўтмоқда.

Сафарлари доим бехатар бўлсин!

## ОШҚОЗОНМИ ДОШҚОЗОН?!

Колумбиянинг Богота шаҳридан Прагага келган 27 ёшлик чамасидаги талаба қиз нима учундир аэропортнинг махсус хизмати ходимларининг диққатини тортди. Узоқ вақт қизнинг шахсий нарсалари пухта текшириб ҳам керакли натижага эришолмаган полициячилар уни ренгтен текширувига юборишганда бор ҳақиқат аён бўлди. Қарангки, талабанинг ошқозонида кокаин моддаси тўлдирилган ҳалта бўлган. Халтанинг вазни эса ропла-роса 1 килограмм келар экан.

Талаба ҳозирча темир панжара ортида дам оляпти. Маҳаллий мутахассисларнинг айтишларича, гивандликка қарши кескин кураш эълон қилингандан буён «кокаин ютувчилар» ҳодисаси олтинчи марта қайтариляпти. Мулк рекордини яна боғийдек Колумбия фуқароси ўрнатгани сабабли унинг ошқозонида 1,2 килограмм гиванд моддаси топилган.

## НЕГА БУНЧА МАЪЮССАН?

Австралия циркиннинг артисти — Зюша исмли бегемот айти кунларда аксарият табиат шинавандалари назари-га тушиб қолган.

Москвлага ижодий сафар учун келган Зюша маймунчалар билан биргаликда мураккаб томошалар қўйди. Бундан хавотирланган табиатсеварлар бир зумда тўполон қилиб жониворни ветеринар шифокорга кўрсатишни талаб қилишди.

Шифокорларнинг таъкидлашича, бегемотнинг ахволидан ташвишланишга сира ҳолат йўқ. Унинг овқатга иштаҳаси қарнай, уйқуну ҳеч қанда қилмайди.

— Ҳамма муаммо шундаки, — дейди австралиялик шифокор Майкл Эдкли, — Зюша цирк майдонида томошабинлар кўзига жуда ҳам маъюс бўлиб кўринади.

Бирок, қуладиган бегемотни ҳали ҳеч ким учратмаган шекил-ли?!

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР | ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР

## ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

**Ҳурматли маҳаллий ва хорижлик ишбилармон, тадбиркор жаноблар, барча нодавлат ҳуқуқий ва жисмоний шахслар ҳамда Ўзбекистон Республикаси норезидентлари!**

Тошкент шаҳар ҳудудий танлов комиссияси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 26 августдаги 368-сон қарорини бажариш мақсадида Давлат тендер комиссиясининг 2003 йил 6 ва 27 октябрдаги мажлис қарорларига мувофиқ тасдиқланган паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор давлат корхоналари ва паст ликвидли объектларни, инвестиция мажбуриятлари қабул қилиниши шарт билан бепул бериш бўйича танлов савдоларини ўтказди.

Савдоларга:

1. Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, "ТТЗ" даҳаси, 2-мавзе, Белоножко кўчаси, 12-уй манзилида жойлашган 9 қаватли (А ва Б блоклардан иборат), умумий майдони 5835 квадрат метрга тенг бўлган, 1983 йилда қуриб ишга туширилган, 7-сон ётоқхона биноси.

2. Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Самарқанд Дарбоза кўча, Аричний берк кўчаси, 17-уй манзилида жойлашган, умумий ер майдони 2146 квадрат метрга тенг бўлган, 1935 йилда қуриб ишга туширилган 29-сон болалар боғчаси биноси.

3. "Ўзсугтўштмаҳсусавтотранс" жамоа корхоналари автотранспорт концернининг Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Чоштепа кўчаси, 381-уй манзилида жойлашган "Тошкент 3-автокорхонаси" қўйилади.

## ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ:

Танловда иштирок этишни хоҳлаган барча талабгорлардан уч мустақил қисмга эга бўлган алоҳида-алоҳида конвертларда муҳрланган ҳужжатлар тўплами, яъни а) ариза ҳужжатлари тўплами; б) техник ишлаб чиқариш таклифлари ҳужжатлари тўплами; в) молиявий таклифлар ҳужжатлари тўплами билан бирга қуйидаги ҳужжатларнинг тақдим этилиши талаб этилади:

1. Талабгорнинг тўлов қобилиятига эгаллигини тасдиқловчи банк маълумотномаси (ёки банкнинг қафо-лат хати).
2. Тақдим этилган молиявий ҳисоботи бўйича аудиторлик фирмасининг хулосаси.
3. Олинаётган сармома мажбурияти ҳажми ва унинг киритилиш муддатлари.
4. Бизнес режа.

Савдода қатнашиш учун харидорлар уч мустақил қисмга бўлинган таклифларни алоҳида-алоҳида конвертларга жойлаб, муҳрлаб (жисмоний шахслар имзолаб) белгиланган шаклдаги ариза билан Тошкент шаҳар ҳудудий танлов комиссиясига топширадилар.

Танлов савдоларида барча нодавлат ҳуқуқий ва жисмоний шахслар, маҳаллий ва хорижлик ишбилармон ва тадбиркорлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси норезидентлари қатнашишлари мумкин. Харидорлардан аризалар қабул қилиш савдо кунидан уч кун аввал тўхтатилади.

Савдо 2004 йил 6 январь куни, соат 11.00 да Давлат мулки кўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси биноси, яъни Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16А-уй манзилида бўлиб ўтади.

Танлов савдосида қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари бўйича батафсил маълумот олиш юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин.

**Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16А-уй.**  
**Телефонлар: 133-39-57, 133-22-98.**

Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими томонидан ваколатли органлар қарорларига асосан давлат даромадига ўтказилиб ва қарз ҳисобига ундиришлик учун хатлаб банд солинган қуйидаги автотранспорт воситаларининг кимосиди савдоси ўтказилади.

1. "ДЭУ-Супер салон" автомобили, 1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АР 494, бошланғич нархи 8 020 600 сўм, техник носоз;
2. "ДЭУ-Эсперо" автомобили, 1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 09-51 ТНС, бошланғич нархи 3 734 310 сўм, техник носоз;
3. "Газ-2410" автомобили, 1991 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АВ 608, бошланғич нархи 100 000 сўм, техник носоз;
4. "Газ-24" автомобили, 1977 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АО 989, бошланғич нархи 100 000 сўм, техник носоз;
5. "Ваз-21061" автомобили, 1982 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 30 С 55-06, бошланғич нархи 150 000 сўм, техник носоз;
6. "Дамас" автомобили, 2002 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АТ 136, бошланғич нархи 2 000 000 сўм, техник носоз;
7. "Дамас" автомобили, 2000 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АИ 587, бошланғич нархи 1 800 000 сўм, техник носоз;
8. "Иж-2715" автомобили, 1980 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 Z 03-29, бошланғич нархи 275 000 сўм, техник носоз;
9. "Ваз-21061" автомобили, 1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01-54 ТНС, бошланғич нархи 400 000 сўм,

10. "Раф-2203" микроавтобуси, 1983 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АН 021, бошланғич нархи 350 000 сўм, техник носоз;
  11. "Газ-3307" юк автомобили, 1991 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 98-25 ТНБ, бошланғич нархи 782 800 сўм;
  12. "Мерседес-Бенц" юк автомобили, 1980 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами Йўқ, бошланғич нархи 700 000 сўм,
  13. "Камаз-432500" юк автомобили, 1994 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 62-61 ТНП, бошланғич нархи 2 858 350 сўм, техник носоз;
  14. "Зил-ММЗ-34502" юк автомобили, 1980 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АО 593, бошланғич нархи 550 000 сўм, техник носоз;
  15. "Паз-672" автобуси, 1971 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АЕ 894, бошланғич нархи 400 000 сўм, техник носоз;
  16. "Камаз-53213" юк автомобили, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами белгиси 1 000 000 сўм, техник носоз;
  17. "Зил 130-КО-002" юк автомобили, 1985 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АФ 319, бошланғич нархи 500 000 сўм, техник носоз;
  18. "Зил-ММЗ-4505" юк автомобили, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АЕ 376, бошланғич нархи 500 000 сўм, техник носоз;
  19. "Газ-5201" юк автомобили, 1976 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 63-24 ТНМ, бошланғич нархи 650 000 сўм, техник носоз;
- Ушбу автотранспорт воситалари кимосиди савдоси 2003 йил 6 ноябрда соат 11-00 да ўтказилади.  
2003 йил 8 ноябрь куни қуйидаги авто-

транспорт воситаларининг кимосиди савдоси ўтказилади:

1. "Газ-24" автомобили, 1984 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АИ 723, бошланғич нархи 180 000 сўм, техник носоз;
2. "Иж 2715" автомобили, 1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АЖ 112, бошланғич нархи 150 000 сўм, техник носоз;
3. "Газ-31029" автомобили, 1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АВ 656, бошланғич нархи 500 000 сўм, техник носоз;
4. "Зил-130-431410" автомобили, 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АИ 983, бошланғич нархи 400 000 сўм, техник носоз;
5. "Маз-5334" автокрани, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АК 403, бошланғич нархи 1 000 000 сўм, техник носоз;
6. "Зил-157" юк автомобили, 1976 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АГ 049, бошланғич нархи 400 000 сўм, техник носоз;
7. "ТЗА-7.5-5334" юк автомобили, 1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 11 АА 248, бошланғич нархи 800 000 сўм, техник носоз;

Кимосиди савдоси суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими биносида ўтказилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Усмон Юсуфов кўчаси, 3-уй, 2-қават.  
Маълумот учун телефонлар: 41-16-38, 144-54-08.

**Спорт**

**ЮКСАК ИШОНЧ**

Жанубий Кореяда Осиё минтақаси давлатларидан ташриф буюрган дзюдо спорти мутасаддилари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди. Унда ўтказилиши мўлжалланган дзюдо бўйича Осиё чемпионатида Марказий Осиё давлатлари спортчиларининг тайёргарлиги масаласи муҳокама этилди. Шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, йиғилиш қатнашчилари Осиё чемпионатида Ўзбекистон спортчилари совринли ўринларга даъвогарлик қилиши мумкин, дея эътироф этилди. Қувонарли томони шундаки, Ўзбекистон дзюдо федерациясидан Армен Богдасаров Осиё дзюдо федерациясининг раёсати аъзоси сифатида фаолият юритадиган бўлди.

**САРАЛАШ  
БАҲСЛАРИ  
БОШЛАНМОҚДА**

Шуни мамнуният билан таъкидлаш жоизки, ноябрь ойи бошларида ўзбекистонлик футбол мухлислари яна аjoyиб футбол спектаклининг бевосита гувоҳига айланади. Сабби энди «Пахтакор» ҳамда «Жар» ўйингоҳларида Осиё чемпионатида саралаш мусобақалари Ўзбекистон, Гонконг, Таиланд ва Тожикистон терма жамоалари иштирокида ўтказилади. Қизиқарли ва мурасасиз ўтиши кўтилаётган бу беллашувлар 6, 8, 10 ноябрь кунлари бўлади. Дарвоқе, Ўзбекистон терма жамоаси иштирокидаги ўйинлар «Пахтакор» марказий ўйингоҳида бўлиб ўтади.

**ГИМНАСТИКАЧИЛАР  
БЕЛЛАШДИ**

Нафис спорт турларидан бири бўлмиш бадий гимнастика бўйича Тошкент шаҳар биринчилиги мусобақалари бўлиб ўтди. Шуниси эътиборлики, ушбу мусобақаларда 10 нафар спорт устаси ҳамда 22 нафар спорт усталлигига номзодлар бадий гимнастиканинг турт йўналишида голиблик учун ўзаро баҳс олиб боришди. Унда биринчилик голиблигига ҳар доимгидек, Екатерина Бабина ва Марина Сержантовалар даъвогарлик қилишди ва бунинг улдасидан чиқшди. Мусобақа якунида голиб ва совриндорларга мутасаддиларнинг совринлари ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

(Ўз мухбиримиз)

**«Тошкент  
оқшоми»**

Эълонлар шанба ва  
якшанбадан ташқари  
ҳар кун соат 9.00  
дан 17.30 гача қабул  
қилинади.

Маълумотлар учун  
телефон: 133-28-95.  
Факс: (3712)  
133-29-09.

Манзилимиз:  
Матбуотчилар кўчаси,  
32-уй, 2-қават,  
204-хона.

**ЎЗБЕКИСТОН ФУТБОЛ  
ЖАМОАСИ – “1-АФРИКА-ОСИЁ  
ЎЙИНЛАРИ” ГОЛИБИ**

**Ҳиндистоннинг Ҳайдаробод шаҳрида бўлиб ўтган  
“1-Африка-Осиё ўйинлари”да ҳамюртларимиз  
муваффақиятли иштирок этдилар.**

Спорт мусобақаларининг ярим финал босқичида мамлакатимиз футбол жамоаси руандалик рақиблари устидан 2:1 ҳисобида ғалаба қозониб, финалга йўланма олган эди. 31 октябрь кунини Ҳайдарободдаги Лал Баҳодир стадионида бўлиб ўтган финал учрашувида юртдошларимиз мезбон мамлакат жамоаси — ҳиндистонлик футболчилар билан майдонга тушишди. Ҳаяжонли ва мурасасиз кечган беллашувда икки жамоа ҳам ғалабага эришиш учун бор куч-маҳоратини намойиш этди.

Учрашувнинг биринчи бўлимида ҳисоб очилмади. Иккинчи бўлимининг 45-дақиқасида ҳамюртларимиз Ислам Инъ-

омов стадионга йиғилган кўпсонли футбол ишқибозларини ҳайратга сола олди — унинг олис масофадан туриб маҳорат билан йўллаган тўпи рақиб жамоаси дарвозаси тўртини ишғол этди. Бу эса ўйин тақдирини ҳал қилди — учрашув 1:0 ҳисобида мамлакатимиз футболчилари ғалабаси билан якунланди.

Шу тарихда Ўзбекистон футбол жамоаси “1-Африка-Осиё ўйинлари”нинг голиби бўлиб, мамлакатимиз учун яна бир олтин медални қўлга киритди.

“Икки минтақа — бир қалб” шiori остида 10 кун давом этган мазкур спорт мусобақаларида Африка ва Осиё мин-

тақалари мамлакатларидан қарий 2 минг спорт устаси атлетика, қарқ, хоккей, сузиш, футбол, тош кўтариш, теннис ва мерганлик бўйича ўзаро куч си-нашди.

Футболчиларимиз сингари ўзбек чарм кўлоқ усталари ҳам “1-Африка-Осиё ўйинлари”нинг босқ мусобақаларида муваффақиятли иштирок этишиб, 5 та олтин ва 2 та бронза медали соҳиб бўлишди. Шу ўринда моҳир боксчиларимиз Баҳодиржон Султонов, Дилшод Маҳмудов, Бахит Сарсекбаев, Ўткирбек Ҳайдаров ва Рустам Саидов эришган ғалабалар жуда кўпбал спорт мухлисларининг олқишига сазовор бўлганини алоҳида қайд этиш жоиз.

Ўзбекистон спортчилари “1-Африка-Осиё ўйинлари”да жами 7 та олтин, 2 та кумуш ва 3 та бронза медалини қўлга киритишди. Олтин медаллар сони бўйича ҳамюртларимиз икки қитъа мамлакатлари орасида саккизинчи ўрини забт этишди.

Шухрат УМИРОВ,  
“Жаҳон” АА мухбири.  
Дехли.

**Болалар адабийоти бурғани**

**ОЙДИН ВА БУЛБУЛ**

Гулзор оралаб ўйнаб юрган Ойдин гулдан-гулга кўни шўх сайраётган булбулни кўриб қолди.

— Уртоқ бўламиз. Овозинг ёқимли экан. Шу ерда яшайвер, — булбулдан илтимос қилди Ойдин.

— Уртоқ бўламан-у кўп туролмайман. — Нега туролмайсан? Ҳайрон бўлди Ойдин.

— Бўғилиб кетяпман. Ҳавода қўланса ҳид бор. Чанқасам нима қиламан. Оқаётган сувинглар ҳам тозамас. Ичолмасам...—жавоб берди булбул бироз сайрашдан тўхтаб. — Табиат тоза, сўлим бўлганда қайтиб келаман. Ҳайр. Хафа бўлма.

Ойдин булбулнинг шартини кўпчиликка айтиди. Булбулдан эса ҳамон дарак йўқ. Айтинг-чи, нега?

**ҚИЗИҚ МУСОБАҚА**

Ёш тоқлар қаторини барра ўт босган. Опа-сингиллар уларни ўтдан тозалаш учун алоҳида-алоҳида қаторга тушишди.

— Ишда мусобақа ўйнаймизми? — сўради Доно орасидан.

— Бўпти, — рози бўлди ораси ва тайинлади. — Ўтоғимиз сифатли бўлиши шарт.

Мусобақа қизларга куч, ғайрат ато этган. Кўм-кўк ўтларни тез-тез тозалаб келишарди. Доно қаторининг ярмига етганда токка ўралган девпечакка алаҳсида. Тирноқ билан унинг ҳаммасини ажратиб ўтраса мусобақада кейинга қолади. Қанча сабр, вақт керак. Девпечак ўраган новданинг пўстлогини шилишга тушди.

— Нега шилиясан? — унинг «тезкорлигини» кўриб қолди ораси.

— Девпечакни қуритяпман, — жавоб берди Доно.

— Пўстлогини шилсанг ток ҳам қурийди, майлими? — тушунтирди ораси. — Ахир ток ўссин деб ишлаяпсан-ку.

— Вой эсгинам, — уялиқиради Доно, — мусобақада сиздан қолиб кетмай деб...

— Ўзимам шунинг ўйловдим, — кулимсиради ораси Раъно. — Ўтоғингга мен қарашвораман. Токни эҳтиёт қилиб девпечакдан озод қилсанг бас. Мусобақада сен голибсан.

Доно севишиб яна ишга тушди.

**ЎЗИГА ҚАРАБ**

Дала, қирдаги ҳар хил гиёҳ, гулларнинг ширасини йиғиб юрган асалари гулзордаги қизил атиргулга кўнди. Ширасини сўриб бўлгач, бошқасига учиб ўтди. Унинг кетидан атиргулга кўнган атлас гулли капалак хайрон:

— Шундоқ гулнинг хиди ёқмадимми ёки гуллар хидининг фарқини билолмаяпсанми, гулнинг қосасига ҳадеб шўнгниганинг-шўнгнигани, — дея асаларини масҳара қилди.

Асалари учун қуруқ ҳиддан не фойда?! Минглаб гул қосаларидан шира тўплаб, элюрт учун асал тўплайди. Тиним нима билмайди. Капалак-чи, бундан беҳабар. Яшашининг мазмунини фақат гул хидлаш деб билди. Асаларига ҳам ўзига қараб баҳо беради.

**КЎРҚАН ОЛДИН...**


— Мен ҳам асли шу ерликман. Четдан келган эмасман, — фигони ошиб тезланди ўт экинга. — Дехқон берган озуқа фақат сенга эмас, менга ҳамдир.

— Мен сен билан озуқа талашмаяпман! Мени чўчитма, — тўсатдан бўлган ўшқиршдан сесканиб тушди экин. — Талабингни эгамга айт.

Ўтнинг дағдағасидан воқиф бўлган кўл уни илдизи билан сугуриб, уватга отди.

— Эгамга бегона бўлмаганингда мен билан бирга ўсардинг. Бегоналигиндан кўрқиб, олдинроқ мушт кўтарайтган экансан-да, — деди экин уватда офтобда сўлиб бораётган ўтга.

Ғани АБДУЛЛАЕВ



Сўзсиз сўрат  
Маҳмуджон ЭШОНКУЛОВ чизган расм.



**Бош муҳаррир  
Акмал АКРОМОВ**

Манзилимиз: 700000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:**

хатлар — 133-29-70;  
эълонлар:  
133-28-95, 133-11-39;  
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳаҷми — 2 босма тираж офсет усулида  
босилади.  
4204 нусхада босилади. Қўғоз биринчи А-3

Душанба, сешанба, чоршанба,  
пайшанба ва жума  
кунлари чиқади.  
Намр кўрсаткичи — 563

Газета Ўзбекистон Давлат  
матбуот қўмитасида  
10-қирдин билан рўйхати олинган

Нашрият етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги  
почта бўйлағига ёки «Тошкент почташоти»га — 133-7405  
телефонига мурожаат қилиниши мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер  
марказида терилди ва сақдланилди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси.  
Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.